

### Қадр кечасининг фазилати

**Мухтарам жамоат!** Маълумки, Рамазон ойининг фазилатларидан яна бири Қадр кечасини шу ойда бўлишидир. Қадр кечасининг улуғлиги ва ундаги ажр-савобларга йилнинг бошқа ойларидаги бирор-бир кеча тенг кела олмайди.

Аллоҳ таоло бу борада алоҳида сура нозил қилиб, шундай марҳамат қилган:

إِنَّا أَنْزَلْنَاهُ فِي لَيْلَةِ الْقَدْرِ ﴿١﴾ وَمَا أَدْرَاكَ مَا لَيْلَةُ الْقَدْرِ ﴿٢﴾ لَيْلَةُ الْقَدْرِ خَيْرٌ مِنْ أَلْفِ شَهْرٍ ﴿٣﴾  
تَنْزِيلَ الْمَلَائِكَةِ وَالرُّوحِ فِيهَا بِإِذْنِ رَبِّهِمْ مِنْ كُلِّ أَمْرٍ ﴿٤﴾ سَلَامٌ هِيَ حَتَّىٰ مَطْلَعِ الْفَجْرِ ﴿٥﴾

(سورة القدر/1-5)

яъни: “Албатта, Биз У (Қуръон)ни Қадр кечасида нозил қилдик. (Эй Мухаммад) Қадр кечаси нима эканини Сизга не ҳам англатур?! Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир. У (кеча)да фаришталар ва Рух (Жаброил) Парвардигорининг изни ила (йил давомида қилинадиган) ишлар (режаси) билан (осмондан ерга) тушарлар. У (кеча) тонг отгунича саломатликдир” (Қадр сураси, 1-5 оятлар).

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам Қадр кечасини мақтаб бундай деганлар:

"لِلَّهِ فِيهِ لَيْلَةٌ خَيْرٌ مِنْ أَلْفِ شَهْرٍ, مَنْ حُرِمَ خَيْرَهَا فَقَدْ حُرِمَ"  
(رواه الإمام أحمد عن أبي هريرة رضي الله عنه).

яъни: “Аллоҳга қасамки, Рамазон ойида минг ойдан афзалроқ бир кеча бор. Ким ундан фойдаланиб қолмаса, шубҳасиз (жуда кўп нарсадан) махрум бўлибди” (Имом Аҳмад ривоятлари).

Демак, Қадр кечасини топиб, уни ибодат билан ўтказган киши 83 йилу тўрт ой ибодат қилганлик савобини олади. Бу биз уммат учун Аллоҳ таолонинг фазли ва нақадар катта бахт. Аллоҳ барчамизга насиб қилсин!

Бошқа бир ҳадиси шарифда шундай деганлар:

"مَنْ قَامَ لَيْلَةَ الْقَدْرِ إِيمَانًا وَاحْتِسَابًا غُفِرَ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ"  
(رَوَاهُ الْإِمَامُ الْبُخَارِيُّ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ).

яъни: “Ким Қадр кечасини имон ва ихлос билан бедор ўтказса, унинг шу кечагача қилган гуноҳлари мағфират қилинур” (Имом Бухорий ривоятлари).

Аллоҳ таоло бандалари ибодатга ғайрат қилишлари учун Қадр кечасини сир тутди. Бу сирни Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳам тўлиқ очикламадилар. Лекин ҳадиси шарифларида Рамазоннинг охирги ўн кунлиги тоқ кечаларидан бирида бўлишини хабар қилганлар. Саҳобаларнинг сўзларига таянган уламолар йигирма еттинчи кечаси бўлиши эҳтимоли катта эканини айтадилар. Хусусан, улуғ саҳобий, қорилар устози Убай ибн Каъб розияллоху анҳу Қадр кечаси йигирма еттинчи кечада бўлишини қасам ичиб айтганлар (Имом Муслим ва бошқалар ривоят қилишган).



Шунинг учун ҳам ҳанафий мазҳабидаги фатволарга кўра таровех намозидаги хатми Қуръонни Рамазон ойининг йигирма еттинчи кунда тугатиш кераклиги тавсия қилинган. Бу ҳақида “Фатово оламгирийя” китобида шундай дейилган:

وَيَنْبَغِي لِلْإِمَامِ إِذَا أَرَادَ الْحَتْمَ أَنْ يَحْتَمَ فِي لَيْلَةِ السَّابِعِ وَالْعِشْرِينَ

яъни: “Имом хатми Қуръонни Рамазоннинг йигирма еттинчи кечасида тугатмоғи лозим”.

Чунки шундай қилинса бир нечта дуо ижобат бўлишига сабаб бўлган омиллар жамланган бўлади. Қадр кечасида дуо ижобат, Қуръони карим хатмонасидаги дуо ижобат, кўпчилик билан қилинган дуо ижобат дейилган.

Шунга кўра, Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холикназар ташаббуслари билан ўтган йилдан бери мазкур анъана йўлга қўйилди. Жорий йил ҳам ушбу қоидага амал қилган ҳолда 1600 дан зиёд масжидларда яқунланаётган хатмоналарни Қадр кечасида тугатиш режалаштирилган. Албатта, юртимиз бўйлаб минглаб масжидларда жамоат билан хатмлар сўнгида қилинган дуолар самарасини ҳаётимиз давомида гувоҳ бўлиб турибмиз.

Мана бугун Рамазон ойининг йигирма олтинчи кунига тўғри келмоқда. Демак, бугун тунда йигирма еттинчи кеча бўлади ва шу муносабат билан масжидларимизда Қуръони карим хатмонаси бўлиб ўтади. Шу сабабли барчаларингизни ушбу хатмоналарда иштирок этиб, биргалашиб ихлос ва муҳаббат билан дуоларни қилишга чорлаб қоламиз.

Аллоҳ таоло Рамазон ойида қилган ожизона ибодатларимизни Ўз даргоҳида хусни қабул айлаб, муборак қадр кечаларини топиш бахтини барчамизга насиб айласин! Омин!

